

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

Oriental Journal of History, Politics and Law
Шарқ тарихи, әдәмшина һәм хөкүмәт журналы
ISSN 2191-270X
Oriental Journal of History, Politics and Law
2022 VOLUME - 2
DOI:10.37547/supsci-ojhpl

FEATURES OF SAUDI NATIONAL IDENTITY

Azizjon Rizaev

Researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Arabia, Saudi, socio-political, cultural, religious, dynastic.

Received: 25.09.24

Accepted: 27.09.24

Published: 29.09.24

Abstract: This article analyzes the formation and development of Saudi national identity, as well as its socio-political, cultural, and religious foundations. The process of shaping Saudi Arabia's national identity is examined, including issues of harmonizing traditional values and modern trends in the context of globalization, the role of Islam, language policy, and maintaining the legitimacy of dynastic rule. The role of Islam in Saudi society, the significance of the Arabic language in forming national identity, and the challenges of preserving the legitimacy of the Al Saud dynasty's rule are studied. Furthermore, the reforms aimed at strengthening national identity within the framework of the "Vision 2030" strategy and their impact on domestic and foreign policy are thoroughly analyzed. The role of national identity in Saudi Arabia's foreign policy and its influence on regional security is also considered. The article examines Saudi Arabia's aspirations for leadership in the Arab-Muslim world and the strategy for preserving and developing its national identity in this context. Additionally, conclusions are drawn about the future directions of this strategy, emphasizing the growing importance of national identity in the Kingdom's domestic and foreign policies and the trends in the future development of this process.

САУДИЯ МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Азизжон Ризаев

Тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Арабистон, Саудия, ижтимоий-сиёсий, маданий, диний, сулола.

Аннотация: мақолада Саудия миллий идентиклиги шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва диний асослари таҳлил қилинган. Саудия Арабистонининг миллий идентиклигини шакллантириш жараёни, жумладан, глобаллашув шароитида анъанавий қадриятлар ва замонавий тенденцияларни уйғунлаштириш, ислом динининг роли, тил сиёсати ва сулолавий бошқарув легитимлигини сақлаш масалалари кўриб чиқилган. Ислом динининг Саудия жамиятидаги роли, араб тилининг миллий идентиклик шаклланишидаги аҳамияти ҳамда Ол Сауд сулоласи бошқаруви легитимлигини сақлаш муаммолари ўрганилган. Шунингдек, "Нигоҳ-2030" стратегияси доирасида миллий идентикликни мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар ва уларнинг ички ҳамда ташки сиёсатга таъсири атрофлича таҳлил қилинган. Саудия Арабистонининг ташки сиёсатида миллий идентиклик омилининг ўрни ва унинг минтақавий хавфсизликка таъсири ҳам кўриб чиқилган. Саудия Арабистонининг араб-мусулмон оламида етакчилик қилишга интилишлари ва бу борада миллий идентиклигини сақлаш ва ривожлантириш стратегияси кўриб чиқилган, шунингдек, мазкур стратегиянинг истиқболдаги йўналишлари, Подшоҳликнинг ички ва ташки сиёсатида миллий ўзлик омилининг ўсиб бораётган аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, бу жараённинг келажақдаги ривожланиш тенденциялари ҳақида холосалар берилган.

ОСОБЕННОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ САУДОВСКОЙ АРАВИИ

Азизжон Ризаев

Исследователь

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Аравия, Саудовская Аравия, общественно-политическая, культурная, религиозная, династическая.

Аннотация: в статье анализируются формирование и развитие саудовской национальной идентичности, а также её социально-политические, культурные и религиозные основы. Рассмотрен процесс формирования национальной идентичности Саудовской Аравии, включая вопросы гармонизации традиционных ценностей и современных тенденций в условиях глобализации, роль ислама, языковую политику и сохранение легитимности династического правления. Изучены роль ислама в саудовском обществе, значение арабского языка в формировании национальной идентичности и проблемы сохранения легитимности правления династии Оль Сауд. Также подробно проанализированы реформы, направленные на укрепление национальной идентичности в рамках стратегии "Видение-2030", и их влияние на внутреннюю и внешнюю политику. Рассмотрена роль фактора национальной идентичности во внешней политике Саудовской Аравии и его влияние на региональную безопасность. Проанализированы стремления Саудовской Аравии к лидерству в арабо-мусульманском мире и стратегия сохранения и развития национальной идентичности в этом контексте, а также сделаны выводы о перспективных направлениях данной стратегии, подчеркивая растущее значение фактора национальной идентичности во внутренней и внешней политике Королевства и тенденции развития этого процесса.

КИРИШ

Жаҳонда юз бераётган глобал жараёнлар кенг қўламли сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда ҳамда улар мамлакатлар, халқлар, маданиятлар ва конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда миллий идентикликка таҳдидлар масалалари сезиларли ўрин эгаллаб келмоқда. Давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида анъанавий ҳарбий ва иқтисодий омиллар билан бир қаторда, миллий-маданий ресурслар, жумладан, тарихий мерос, тил, дин ва маданий қадриятлар дипломатик воситалар сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу тенденция ҳозирги халқаро муносабатларда янгича хавфсизлик ва дипломатик парадигмалар шаклланаётганидан

далолат бермоқда. Миллий идентиклик араб оламидаги ўзгаришларнинг интеграл компоненти сифатида намоён бўлиб, Яқин Шарқдаги халқаро муносабатлар тизими реконфигурациясига, хусусан, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг ички ва ташки сиёсатига таъсир кўрсатмоқда ҳамда миллий хавфсизлик, ҳокимият легитимлиги, сиёсий барқарорлик масалаларининг долзарблигини оширмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Саудия Арабистони Подшоҳлиги ташкил этилганидан бўён мамлакат миллий идентиклигининг концептуал асослари, хавфсизлик парадигмаси, рамзий ва лингвистик жиҳатлари, шунингдек, халқаро-сиёсий идентиклиги ва диний компонентлари илмий муаммо сифатида кенг тадқиқ этилмоқда. Уларда мамлакатдаги Ол Сауд ва Ол аш-Шайх сулолалари давлатнинг асосий сиёсий элитаси бўлиб шаклланиши, ривожланиш жараёнлари, уларнинг давлатчиликни мустаҳкамлаш, миллий идентикликни сақлаш, ички ва ташки сиёсатни ишлаб чиқиш, халқаро нуфузини ошириш, хавфсизликни таъминлашдаги роли, Саудия жамиятида ислом динининг ўрни, барқарор ривожланиши, демократия ва сиёсий модернизация билан боғлиқ жиҳатларини, давлат ва дин муносабатларини тартибга солишини, ислоҳотлар самарадорлиги ва янгича таҳдидларни бартараф этиш механизмларини илмий муаммо сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда араб мамлакатлари, жумладан, Саудия Арабистони миллий идентиклигининг хавфсизлик парадигмаси генезиси, эволюцияси ва трансформацияси Самюэль Хантингтон, Эдвард Сайд, Бассам Тибий, Фуад Ажамий каби етакчи олимларнинг цивилизациялар тўқнашуви, ориентализм назарияси ҳамда араб миллийлиги, араб сиёсий фикри концепциялари асосида ўрганилмоқда. Араб давлатларининг ривожланиш тарихи, сиёсий жараёнларнинг йўналиши панарабизмда дунёвий тамойиллар ошганлигини кўрсатади. Араб мамлакатлари миллий идентиклиги глобаллашув ва модернизация жараёнлари шароитида тарихий, диний, маданий ва сиёсий омилларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланиб бормоқда. Ислом дини, араб тили ва маданияти унинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Араб дунёси, шу жумладан, Саудия Арабистонидаги идентиклик масалаларини тушуниш учун турли назарий-методологик ёндашувларнинг интеграцияси зарур. Уларнig синтези араб мамлакатларидаги идентиклик муаммосини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Глобаллашув, миграция жараёнлари, ижтимоий меъёрлар ва гендер ролларининг ўзгариши, шунингдек, диний экстремизм муаммолари миллий ўзига хосликка қўшимча таъсир кўрсатмоқда. Бу динамик ва ижтимоий-маданий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга жавобан ўзгариши мумкин. Дин Саудия Арабистони миллий идентиклигини

шакллантириш ҳамда жамиятнинг маданий, диний ва мафкуравий асоси сифатида муҳим ўрин тутади. Диний мөъёрлар ва урф-одатлар замонавий ўзгаришлар ва муаммолар билан ўзаро таъсир қилиб, мамлакат идентиклигига ўзига хос синтез яратади. Ёшлар келажакдаги миллий идентикликни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Саудия Арабистонидаги таълим муассасалари тарих, маданият ва динни ўқитиш орқали миллий идентикликни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Оммавий ахборот воситалари, таълим, санъат ва маданият миллий идентикликни шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Улар ҳамжамият ва тегишлилик туйғусини кучайтирадиган рамзлар, мөъёрлар ва қадриятларни яратадилар.

Ватанпарварлик ўз ватани ва миллатига ҳиссий боғланиш сифатида миллий идентикликнинг асосий элементидир. Бундай шароитда миллий идентикликни инсон ҳуқуқлари, демократия ва барқарор ривожланиши каби глобал қадриятлар билан таққослаш долзарб бўлиб бормоқда. Миллий ўзига хосликнинг айрим элементлари умуминсоний глобал қадриятларга зид бўлиши мумкин. Давлат мафқураси, ички ва ташқи сиёсий қарорлар мамлакат қиёфасини ва унга дахлдорлик туйғусини шакллантиради.

Миллий идентиклик тушунчаси менталитет, миллий дунёқараш ва миллатнинг концептуал соҳаси тушунчалари билан ўзаро боғлиқdir: бир томондан, улар томонидан белгиланади, бошқа томондан, уларнинг шаклланишига таъсир қилади. Янги дунё тартибини шакллантириш шароитида, халқаро майдондаги кураш маркази ахборот маконига ўтказилганда, давлат институтлари уларни заарсизлантириш учун миллий идентикликка таъсир қилувчи салбий тенденцияларни ўз вақтида аниқлай олиши муҳим аҳамиятга молик.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда араб давлатларининг ўзаро интеграцияси муҳим аҳамиятга молик. Шу муносабат билан ар-Риёд Форс кўрфазидаги бошқа араб пойтахтларини бу араб мамлакатларининг ўзлари томонидан ташқи ёрдамсиз минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг ягона ишончли усули эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилмоқда.

Глобаллашув Саудия Арабистони миллий идентиклигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, бу эса кўплаб зиддиятлар ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу жараён Подшоҳлик учун анъанавий қадриятлар ва маданий ўзига хосликни йўқотиш хавфини туғдирмоқда. Бундай вазиятда Саудия Арабистони ислом олами ва араб цивилизациясининг етакчиси мақомини сақлаб қолишига интилмоқда. Ар-Риёд глобал тенденцияларга мослашиш ва ўз маданий-тарихий меросини сақлаб қолиш ўртасидаги мувозанатни топишга ҳаракат қилмоқда. Саудия Арабистони хозирда модернизация ва глобал интеграция жараёнларини ўз маданий ва цивилизацион идентиклигини сақлаб қолиш билан

уйғунлаштириш муаммоси билан рўбарў бўлмоқда. Бу мувозанатли ёндашувни ишлаб чиқиши мамлакат ривожланишининг устувор йўналишига айланган.

Саудия Арабистони раҳбариюти анъанавий қадриятлар ва замонавий технологияларни уйғунлаштирган, миллий идентикликни сақлаган ҳолда глобал интеграцияга қаратилган, ислом тамойилларига асосланган, иқтисодий модернизацияни ўз ичига олган “Саудия ривожланиш модели”ни илгари сурмоқда. Бу модел орқали мамлакат раҳбариюти янги миллий идентикликни шакллантиришга интилиб, ёшларда миллий ғуурни кучайтириш, фан ва санъат соҳасидаги ютуқларни тарғиб қилиш, оммавий ахборот воситаларида мамлакатнинг ижобий имижини яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Саудия Арабистонининг миллийлик мафкурасида диний, тарихий ва замонавий элементлар уйғунлашган. Ғарб демократияси христиан анъаналари заминида ривожланган бўлса, араб-мусулмон оламида, жумладан, Саудия Арабистонида, демократик тамойиллар ислом маданияти асосида шаклланмоқда. Бу ҳолат мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш йўлини белгилаб бермоқда. Саудия Арабистонининг "Нигоҳ-2030" стратегияси мамлакатнинг миллий ва сиёсий идентиклигини шакллантиришда исломий қадриятларнинг устувор аҳамиятини таъкидлайди. Саудия Арабистонининг миллий идентикликни сақлаш ва pragmatik ислоҳотлар стратегиясини уйғунлаштириш сиёсати мамлакатнинг глобал ўзгаришларга мослашувини таъминламоқда. Бу ёндашув Ол Сауд сулоласининг олий ҳокимият сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Саудия Арабистонининг таълим соҳасидаги ислоҳотлари Подшоҳлик ички сиёсий динамикасини акс эттириш билан бирга, анъанавий қадриятлар тизими ва замонавий ривожланиш талаблари ўртасидаги мувозанатни топишга қаратилган. Таълим тизимини модернизация қилиш жараёни замонавий глобал Янги таълим дастурларида диний омилнинг нисбатан пасайиши жамиятда турли фикрларни юзага келтирмоқда. Сиёсий элита томонидан белгиланган мақсадлар кўпинча аҳоли томонидан мавҳум ва эришиш қийин бўлган вазифалар сифатида қабул қилинмоқда.

Саудия Арабистонидаги ислоҳотлар юқоридан изчил бошқарилмоқда. Подшоҳлик диний-сиёсий трансформациясининг умумий йўналиши бу соҳада муайян даражада либераллашув элементларини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Саудия Арабистони ҳамон ислом оламининг муҳим маркази бўлиб қолмоқда. Саудия Арабистони ўз миллий идентиклигини анъанавий қадриятлар ва замонавий талаблар ўртасидаги нозик мувозанатни сақлаган ҳолда қайта шакллантириш жараёнида.

Араб тилининг функционал роли уни мафкурага сингиб кетган тиллардан бирига айлантиради. Араб атамасининг белгиланиши ва уларнинг араб тили ва миллий идентиклик

ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, араб тили ва ислом ўртасидаги узвий алоқа ҳамда араб-мусулмонлар ва араб бўлмаган мусулмонларнинг умуман араб тилига бўлган муносабати билан тасдиқланади. Араб тили араб халқининг маданияти, дини ва миллий идентиклиги билан боғлик кўхна тарихга эга. Араб тилига содиклик Саудия маданияти ва миллатига мансубликнинг муҳим қисмига айланмоқда. Араб тили Саудия жамиятининг маданий идентиклигини, маънавий қадриятларини сақлаб қолишга, ижтимоий тотувлик ва миллий бирликни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Саудия Арабистонида араб тили нафақат ички сиёsat воситаси, балки мамлакат ташки сиёsatининг муҳим элементига ҳам айланмоқда. Араб тилини сақлаб қолиш мамлакатнинг араб идентиклигини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамият касб этади ва унинг йўқолиши Подшоҳлик миллий идентиклигига таҳдид бўлиши мумкин.

Ол Сауд оиласининг легитимлиги ва идентиклигининг хавфсизлигини таъминлаш Саудия Арабистони давлатчилигига ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Монархия тузуми мамлакатнинг миллий идентиклигининг асосидир. Геосиёсий омиллар Саудия Арабистони сулолавий идентиклигининг легитимлиги ва хавфсизлигига таъсир кўрсатади. Сулолавий идентикликка таҳдид шароитида Саудия Арабистони раҳбарияти диний экстремизм хавфини бартараф этиш ҳамда жамиятни либераллаштириш ва модернизация қилиш талаблари ўртасида мувозанатни сақлашга мажбур бўлмоқда.

ХУЛОСА

Юкорида зикр этилганлардан келиб чиқиб хулоса килиш мумкинки, миллий идентиклик жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Глобаллашув, миграция, ижтимоий меъёрлар ва гендер ролларининг ўзгариши, шунингдек, диний экстремизм таҳдидлари миллий идентикликка қўшимча таъсир кўрсатмоқда. Ислом Саудия миллий ва сиёсий идентиклигини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Саудия миллийлик мафкураси диний, тарихий ва замонавий элементларни ўзида бирлаштиради. Шунингдек, миллий идентикликни шакллантириш ва Подшоҳликда ижтимоий барқарорликни сақлашда асосий роль ўйнайди.

Глобаллашув Саудия Арабистони миллий идентиклигигига таъсир кўрсатиб, кескин зиддиятлар ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Миллий идентикликни сақлаш шароитида прагматик ислоҳотлар стратегиясининг изчил амалга оширилиши Саудия Арабистонига янги воқеликка интеграциялашиш имконини бермоқда. Миллий идентикликни сақлаб қолган ҳолда глобаллашувга мослашишга қаратилган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш учун Саудия Арабистонининг ҳукмрон элитаси жамиятнинг барча конструктив кучларини сафарбар қилишга ва бирлаштиришга интилмоқда. Бу олий ҳокимият органи сифатида Ол Сауд оиласи ичидаги позициялар

бирлигини таъминлашни тақозо этади, чунки сиёсий истеблишментдаги ҳар қандай келишмовчилик давлатнинг бекарорлашувига олиб келади. Шу боис Ол Сауд оиласи ташқи таҳдидлар олдида жипслик ва сиёсат ворисийлигини намойиш этишга интилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Yuldasheva N.A. Arab adabiyotida milliy identiklikning badiiy talqini masalalari. — Т.: Donishmand ziyosi, 2024. — 243 б.
2. Сайд Э. Ориентализм. — СПб.: Русский Мир, 2005. — 141 с.;
3. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. — М.: “Издательство ACT”, 2003. — 603 с.;
4. Ajami F. The Dream Palace of the Arabs: A Generation's Odyssey. Pantheon Books, 1998, P. 348;
5. Tibi B. Arab Nationalism: Between Islam and the Nation-State. - Palgrave Macmillan London, 1997, P. 365;
6. ساطع الحصري آراء وأحاديث في العلم والأخلاق والثقافة. — مؤسسة هنداوي للطباعة والنشر 1951 عام. — 152 ص.
7. المديفر عبد الله بن عبد العزيز. آل سعود وتأسيس الهوية الوطنية السعودية. الرياض: دار العبيكان. 2007م. ص

122

القاسمي سلطان بن محمد. الهوية الوطنية في دول مجلس التعاون الخليجي. الشارقة: دار القاسمي للنشر. (2019). 230 صفحة